ТЕСТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

А.А.Медатов, Н.А.Комилжонов, Х.Ў.Худойбердиева

Ушбу мақола таълим жараёнига тест технологиясини татбиқ қилишга бағишланган. Унда халқаро стандартлар талабларига мос келувчи iSpring QuizMaker ёрдамида тестларни шакллантириш жараёнлари кўриб ўтилган. Мақолада 11 хилдаги тестларни шакллантириш усуллари кўрсатилган.

***Калит сўзлар**: дастурий таъминот, тест, тест турлари, iSpring QuizMaker, HotPotatoes*

Данная статья посвящена применению технологии тестирования в процессе образования. В ней рассматривается iSpring QuizMaker, соответствующий требованиям международных стандартов применительно к процессам создания тестов. В статье представлена методика формирования тестов 11 видов.

***Ключевые слова**: програмное обеспечение, тест, типы тестов, iSpring QuizMaker, HotPotatoes*

This article deals with the process of using new testing technologies the process of education. It is considered that iSpring QuizMaker, satisfies the requirements of international standarts of using in the process of forming tests. The article treats the method of forming 11 types of tests.

***Key words**: program provision, test, types of tests, iSpring QuizMaker, HotPotatoes.*

Ҳозирги вақтга келиб, компьютер технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши кўп сонли синалувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини тизимли текшириш, тезкор баҳолаш имконини яратмоқда. Таълим тизимида компьютерлар ёрдамида тест синовларини ташкил қилиш, ўтказиш кенг кўламда йўлга қўйилмоқда ва тест топшириқларининг турли хил кўринишларидан фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда.

Педагогик адабиётларда тест топшириқларининг мақсадига кўра турлича таъриф берилади. Масалан, тест – бу синалувчиларнинг билимини текшириш қуроли, тест – вақт жиҳатидан чегараланган оралиқда синалувчи билимини сифат ва миқдорий жиҳатдан ўлчаш, тест – объектив ва стандартлаштирилган статистик қайта ишлаш, баҳолаш ва қиёсий таҳлил қилиш ўлчови [1,2,3].

Компьютер ёрдамида тест синовлари ўтказишнинг асосий афзаллиги кам вақт сарфлаган ҳолда ишончли назорат натижасига эга бўлиш, шунингдек, тест тугалланиши биланоқ синалувчига ҳам, назоратчига ҳам синов натижасини кўриш имконини беришидадир.

Таълим жараёнида тест дастурларини татбиқ қилиш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, ўқув жараёни самарадорлигининг ошиши, синалувчилар билим даражасини баҳолашнинг ишончли бўлишини таъминлайди.

Ҳозирги вақтга келиб халқаро SCORM ёки AICC стандартларга мос келувчи электрон ўқув ресурслари, хусусан, интерактив тестларни яратишга мўлжалланган бир қатор дастурий воситалар ишлаб чиқилган. Булар жумласига ArticulateStudio, AdobePresenter, HotPotatoes, iSpring ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Ушбу дастурий воситалар жумласига кирувчи iSpring фойдаланишнинг қулайлиги, интерактив мультимедияли контентни яратиш имкониятининг кенглиги билан характерланиб, очиқ ва ёпиқ турдаги тестларни яратиш ва улардан кенг кўламда фойдаланиш имконини беради. Дастурнинг бепул демо-версиясини http://www.ispring.ru/ispring-quizmaker/download.html сайти орқали, лицензия сиёсати ҳақидаги маълумотларни эса http://www.ispring.ru/company/legal-info/ispring-licensing.html сайти орқали олиш мумкин.

iSpring таркибига кирувчи iSpring QuizMaker ёрдамида 11 типдаги очиқ ва ёпиқ тест топшириқларини тузиш имконияти мавжуд (1-расм).



1. Тўғри/Нотўғри (*Верно/Неверно*) типдаги топшириқлар. Ушбу типдаги топшириқларда иккита жавобдан тўғри ёки нотўғрисини танлаш талаб қилинади. Масалан, «BIOS хотира турига кирмайди» деган жумла тўғрими?”, «Компьютер - ахборот билан иш олиб борадиган универсал восита» жумласи тўғрими?” Бу типдаги тестлар-

ни шакллантириш учун турли кўринишдаги савол, тасдиқ, таърифларни киритиш имкони берилган бўлади.

2. Битта тўғри жавобли (*Один.выбор*) топшириқлар. Бу типдаги тестлар ҳозирги кунда оммавий тус олган бўлиб, берилган топшириққа фақат битта тўғри жавоб киритилиши талаб қилинади. Масалан,

Веб сайт нима ?

o Ўзаро боғланган саҳифалар тўплами

o Интернетда жойлаштирилган битта саҳифа

o Электрон маълумотлар базаси

o Компьютер хотирасидаги электрон ҳужжат

Махфий ахборот бу:

o Фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилган ҳужжатлаштирилган ахборот

o Ахборот ресурси

o Чекланмаган доирадаги оммавий ахборот

o Чекланган доирадаги ахборот

Бундай топшириқларда жавобларнинг биттаси тўғри, қолганларида қўйилган саволга тўла жавоб берилмайди ёки қисман тўғри жавоб берилган бўлади. iSpring QuizMaker да бундай типли топшириқларни шакллантиришда топшириқ жавобининг олд қисмига “o” белгиси қўйилади.

Ҳозирги кунда амалдаги дастурий воситаларнинг катта қисми шу типли топшириқларни қайта ишлашга мўлжалланган.

3. **Кўп жавобли (*Множ.выбор*) топшириқлар**. Бундай тест топшириқларини шакллантиришда камида икки ёки ундан ортиқ тўғри жавоб киритилади. Одатда, бундай топшириқ жавоблари олдига “□” белгиси қўйилади. Масалан,

Ахборот ўлчов бирликларини кўрсатинг:

□ дискдаги ахборот, товуш, матн

□ байт, петабайт

□ килобайт, мегогерц

□ бит, террабайт

4. Сатрни киритиш (*Ввод строки*) топшириқлари. Бундай тест топшириғига бериладиган жавоб синалувчидан хатоларсиз, тўғри жавобни клавиатура орқали киритишни талаб қилади.Масалан,

Компьютер экранининг синоними

5. Мосликни аниқлаш (*Соответствие*) топшириғи. Бундай тест топшириқларининг жавоблари икки устун шаклида ёзилиб, чап устундаги ҳар бир савол қаршисига иккинчи устундаги унга мос бўлган сўзни келтириш керак бўлади. Масалан,

Берилган сўзларга мос келувчи жавобларни аниқланг.

Insert	Ичига ўрнатиш
Insert mode	Ичига ўрнатиш режими
Installation	Ўрнатиш
Installer	Ўрнатувчи

Бундай топшириқ жавобларини киритишда мос жавоблар тўғри ҳолда киритилади. Синаш жараёнида мос жавоблар тартиби ўзгартирилади.

6. Тартиблашга оид (*Порядок*) топшириқлар. Бу кўринишдаги тест топшириқларини шакллантиришда топшириқ жавобларини тўғри кетма- кетликда жойлаштириш керак бўлади. Масалан,

Ахборот ўлчов бирликларини ўсиб бориш тартибида жойлаштиринг.

Бит

Байт

Килобайт

Мегобайт

Гигабайт

Террабайт

Бундай топшириқларни киритишда тўғри жавоб ўсиб ёки камайиб бориш тартибида ёзилади. Синаш жараёнида жавоблар тартиби ўзгартирилади.

7. Сонни киритиш (*Ввод числа*) топшириқлари. Сон киритишга оид топшириқларда тўғри жавоб сифатида сонли қийматлар киритиш талаб этилади. Шунингдек, бундай савол жавобларида *тенг* (*Равно*), *бирор оралиққа тегишли* (*Между*), *-дан катта* (*Больше чем*), *кичик эмас* (*Больше или равно*), *-дан кичик* (*Меньше чем*), *катта эмас* (*Меньше или равно*), *тенг эмас* (*Не равно*) сўзларидан фойдаланиш мумкин. Масалан,

Информатика сўзи ___ байтга тенг.

8. Тушириб қолдирилган сўзларни (*Пропуски*) аниқлашга доир топшириқлар. Бундай топшириқларни шакллантиришда кўпроқ таъриф ва тушунчалардаги тушириб қолдирилган сўзларни киритишга эътибор берилади. Масалан,

Internet Explorer протокол бўйича ишлайди. Бундай топшириқларда бош ва кичик ҳарфлар фарқланмайди, тушириб қолдирилган сўзлар бир нечта бўлиши ҳам мумкин. Киритиладиган сўзлар аниқ ва хатосиз бўлиши талаб қилинади. Алтернатив жавоблар кўрсатилмайди.

9. Жавоби ичида (*Влож.ответы*) топшириқлар. Жавоби ичида жойлашган ёки яширин рўйхатдан танлаш топшириқларида тест топшириғи яширин рўйхатдаги жавоблардан тўғрисини танлашни талаб қилади. Масалан,

Антивирус дастурларини кўрсатинг:

Жавобни танланг:	▼

10. Сўзлар банки (*Банк слов*) топшириқлари. Сўзлар банки топшириқлари тушириб қолдирилган сўзларни топиш топшириқларига ўхшаш бўлиб, фарқи уларда матндаги бир неча сўз тушириб қолдирилган бўлиши мумкин. Бундай топшириқлардан кўпинча филология йўналишида матнларни таҳлил қилишда, матнни грамматик қоидаларга мос тузиш кўникмаларини текширишда

фойдаланилади. Синаш жараёнида жавоблар кетма-кет охирги сатрда намоён бўлади. Синалувчининг мос сўзларни ўз ўрнига қўйиши талаб қилинади. Масалан,

Excel 2003 дастурида ишчи майдони __ та сатр ва __тадан иборат эди. Excel 2007 да эса сатрлар сони __та бўлиб, устунлар сони эса__ тадан иборат.

11. Фаол соҳа (Акт.область) топшириқлари. Фаол соҳани аниқлаш топшириқларида расмдаги фаол соҳани сичқонча ёрдамида белгилаш талаб қилинади. Фаол соҳа тўртбурчак ёки айлана кўринишида аниқланиши мумкин. Бундай топшириқлар турли кўринишдаги қурилмалар, электрон схемалар, географик карталар, табиат манзаралари ва бошқа кўринишдаги расмлардан тўғри соҳани ажратишга мўлжалланган. Масалан,

Матрицали принтерни кўрсатинг.

Бундай топшириқ жавобларини киритишда синалувчи томонидан фаол соҳа, яъни матрицали принтер жойлашган жой сичқонча ёрдамида кўрсатилиши керак бўлади.

Булардан ташқари тест топшириқлари матни ва ҳар бир жавобга расм, шунингдек, Microsoft Equation ёрдамида математик формулаларни ҳам киритиш имкони мавжуд.



Юқорида тест технологиясининг бир қатор афзалликлари борлиги ва улардан фойдаланиш ўқув жараёни самарадорлигини оширишда қўшимча имкониятлар яратишини таъкидладик. Айни чоқда, кўриб ўтилган тест топшириқларининг ранг-баранглиги бу ишга юзаки қарамасдан, тест топшириқларини аниқ мақсадга, синалувчиларнинг тайёргарлик даражаси, ўқитилаётган фан табиати каби муҳим жиҳатлар ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш мумкинлигини кўрсатади. Бу ишни амалга оширишда эса iSpring QuizMaker жуда қулай, у педагогик фаолиятнинг самарали бўлишини таъминловчи муҳим восита бўла олади.

Адабиётлар:

1. Аванесов В.С. Композиция тестовых заданий. М., 2002.-239 с.

2. Аванесов В.С. Проблема эффективности педагогических измерений. // Педагогические измерения.- 2008. – № 4.-С. 3-24.

3. Олимов А. Таълимда ўқитиш натижаларини ўлчаш ва назорат қилишда педагогик тестлар. - http://testolog.uz/?con=nevsviev&id=9

Андижон давлат университети,
2015 йил 10 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ҳасанов)